

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «23» 5

2022-2319-7-95-ТВ-сон

**Иштихон шахри**

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси** номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **Олимжон Бахриддинович Хужамов** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **«ZOIR-MANSUR» хусусий корхонаси** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **Мансур Абдухоликович Умиров** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартиbdаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Иштихон туман тиббиёт бирлашмасига карашли Нури ҳаёт тез ёрдам шахобчасини биносини жорий таъмирлаб, фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, <https://etender.uzex.uz/> порталида Энг яхши таклифларни танлаб олиш танлови натижасида аниклangan ва тендер комиссиясининг карори (<https://etender.uzex.uz/> портали оркали электрон тарзда шаклланиб, ҳар бир комиссия аъзоларининг электрон имзоси оркали тасдиқланган 2022 йил 19 майдаги 85860-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **235 139 054 (Икки юз ўттиз беш миллион бир юз ўттиз тўққиз минг эллик тўрт)** сўмни ташкил килади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг **II бўлимида** назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

**1-** иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **70 541 716 (Етмиш миллион беш юз қирқ бир минг етти юз ун олти)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (**1-илова**).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичida Буюртмачи колган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг **VI бўлимида** кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва

агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб килишга ҳақлидир.

## **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

28. Курилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган қундан бошлаб \_\_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг **V бўлимига** мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

обьектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

## **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишлиарнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

35. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кесчикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод килмайди.

#### **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ**

42. Томонлар:

- томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва ёки коррупция характерига эга булган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари харакатсизларини содир этмайдилар.

- томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларини тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантиривчи томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга каратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум киладилар.

43. Томонда ушбу Шартноманинг 42.-бандаги талаблари бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тугрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон

Республикаси конун хужжатларнинг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги конун хужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

45. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга хақлидир.

46. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

47. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **икки нусхада** тузилди.

### XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**«Пудратчи»**

**«ZOIR-MANSUR» ХК**

**Манзили:** Иштихон шахри Курувчи кўчаси 11 уй

Тел: +998-66-629-99-66

Х/Р: 20208000404445512001

СТИР: 205899669 ИФУТ: 41201

Банк номи: Иштихон т.,ДТ Халк банки Иштихон ф.  
МФО: 00735

Рахбар:



М.Умиров

М.У.

**«Буюртмачи»**

**Иштихон тиббиёт бирлашмаси**

**Манзил:** Иштихон ш. Навоий кўчаси 12 уй

Тел/факс: 66-629-10-00

Ш/ХВ: 401722860182127072120054002

СТИР: 200972012 ИФУТ: 86100


Иштихон т. буйича Ғазначилик Булинмаси  
Ғазна Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. ХККМ  
МФО: 00014 СТИР: 201122919

Рахбар:



О.Хужамов



Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси ва  
 "ZOIR-MANSUR" хусусий корхонаси  
 уртасида  
2022-2319-7-95-TB -сонли  
 шартномага илова (лот 22110012085860)


№	Бажариладиган иш ва хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
<b>КРОВЛЯ</b>					
1	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ КРОВЕЛЬ: ИЗ ВОЛНИСТЫХ И ПОЛУВОЛНИСТЫХ АСБЕСТОЦЕМЕНТНЫХ ЛИСТОВ	100M2	2,9300	537850,09	1 575 900,7558
2	РАЗБОРКА: ОБРЕШЕТКИ ИЗ БРУСКОВ С ПРОЗОРАМИ	100M2	2,9300	370077,08	1 084 325,8555
3	РАЗБОРКА: СТРОПИЛ СО СТОЙКАМИ И ПОДКОСАМИ ИЗ БРУСЬЕВ И БРЕВЕН	100M2	2,9300	629089,17	1 843 231,2564
4	РАЗБОРКА КЛАДКИ ПАРАПЕТА ИЗ: СЫРЦОВОГО КИРПИЧА	10M3	1,5600	4856522,13	7 576 174,5174
5	КЛАДКА СТЕН КИРПИЧНЫХ НАРУЖНЫХ ПРОСТЫХ ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М ПАРАПЕТ	M3	10,5600	647429,79	6 836 858,6196
6	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	1,1400	2318722,47	2 643 343,6197
7	УСТАНОВКА ДЕРЕВЯННОЙ КОНСТРУКЦИИ КРОВЛИ	M3	3,4600	4918772,17	17 018 951,6984
8	УСТАНОВКА СТРОПИЛ	M3	1,6000	4983515,77	7 973 625,2368
9	УСТАНОВКА ДЕРЕВЯННОЙ ОБРЕШЕТКИ	M3	0,9600	4918772,17	4 722 021,2805
10	УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦЫ, ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ: ПРОСТОЙ	100 M2 КРОВЛИ	2,9200	7799392,55	22 774 226,2315
11	УСТРОЙСТВО ЖЕЛОБОВ ПОДВЕСНЫХ	100M	0,6700	1117502,13	748 726,4254
12	ЖЕЛОБ УПРАЩЕННЫЙ	M	67,0000	0,00	0,0000
13	НАВЕСКА ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ ПО СТЕНАМ ИЗ КИРПИЧА ИЛИ ЛЕГКОГО БЕТОНА, ДИАМЕТРОМ ДО: 140 ММ	100M ТРУБ	0,1900	4294590,72	815 972,2375
14	КОЛЕНО	ШТ	12,0000	0,00	0,0000
15	КОНЕК	M	31,0000	0,00	0,0000
16	УСТРОЙСТВО СЛУХОВЫХ ОКОН	СЛУХОВОЕ	2,0000	1089957,38	2 179 914,7613
17	УСТАНОВКА ДЕРЕВЯННОЙ ОБРЕШЕТКИ ПОД ТУНУКАПОН	M3	0,0300	4918772,17	147 563,1650
18	ОБШИВКА КОБЫЛКА ИЗ КРАШЕННОЙ ЛИСТОВОЙ СТАЛИ "ТУНУКАПОН"	100M2	0,5600	6627804,11	3 711 570,3022

19	РАЗБОРКА ДЕРЕВЯННЫХ ЗАПОЛНЕНИЙ ПРОЕМОВ ОКОННЫХ БЕЗ ПОДОКОННЫХ ДОСОК	100M2	0,4740	3973032,32	1 883 217,3184
20	УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЯ, АЛЮМИНИЯ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКА В КАМЕННЫХ СТЕНАХ, ОТКРЫВАЮЩИМИСЯ (ПОВОРОТНЫХ, ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ): С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 2 М2	100 M2	0,4740	66586171,80	31 561 845,4337
21	ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ОКОННЫХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПО БЕТОНУ И КАМНЮ ПЛОСКИХ	100M2	0,5140	6263413,59	3 219 394,5857
22	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН ОТКОСОВ	100M2	0,5140	1466607,54	753 836,2748
23	РАЗБОРКА ДЕРЕВЯННЫХ ЗАПОЛНЕНИЙ ПРОЕМОВ ДВЕРНЫХ И ВОРОТНЫХ	100M2	0,0270	2458542,19	66 380,6391
24	УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100M2	0,0270	84275224,20	2 275 431,0535
25	УСТАНОВКА ДВЕРНЫХ БЛОКОВ "МДФ"	100M2	0,2300	67102842,07	15 433 653,6772
26	ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ОКОННЫХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПО БЕТОНУ И КАМНЮ ПЛОСКИХ	100M2	0,2240	6263413,59	1 403 004,6443
27	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН ОТКОСОВ	100M2	0,2240	1466607,54	328 520,0886
28	УПЛОТНЕНИЕ ГРУНТА ГРАВИЕМ	100M2	1,5000	387402,21	581 103,3112
29	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ БЕТОННЫХ ТОЛЩИНОЙ 30 ММ	100M2	1,5000	2514301,34	3 771 452,0137
30	ДОБАВИТЬ ТОЛЩ.70ММ	100M2	1,5000	3249240,05	4 873 860,0751
31	УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ ТОЛЩИНОЙ 20 ММ	100M2	1,3400	1886592,98	2 528 034,5955
32	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ИЗ ЛИНОЛЕУМА НАСУХО ИЗ ГОТОВЫХ КОВРОВ НА КОМНАТУ	100M2	1,3400	4636679,10	6 213 149,9889
33	УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ПЛАСТИКОВЫХ НА ВИНТАХ САМОНАРЕЗАЮЩИХ	100M	0,9100	1147236,99	1 043 985,6635

	<b>Итог:</b>				<b>157 589 275,3260</b>
<b>ФАСАД</b>					
34	ОЧИСТКА ПОВЕРХНОСТИ ФАСАДОВ ПЕСКОСТРУЙНЫМ АППАРАТОМ: ГЛАДКОЙ С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100М2	1,6100	1043072,91	1 679 347,3833
35	ОКРАСКА ФАСАДОВ С ЛЕСОВ ПО ПОДГОТОВЛЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНАЯ	100М2	1,6100	385277,54	620 296,8347
	<b>Итог:</b>				<b>2 299 644,2180</b>
<b>ОТОПЛЕНИЕ</b>					
36	УСТАНОВКА РАДИАТОРОВ АЛЮМИНИЕВЫХ	100КВТ	0,1000	44809894,14	4 480 989,4140
37	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ ОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 20 ММ	100М	0,2600	876611,98	227 919,1139
38	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ ОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 15 ММ	100М	0,0560	876398,21	49 078,2997
39	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ПОВЕРХНОСТЕЙ РЕШЕТОК, ПЕРЕПЛЕТОВ, ТРУБ ДИАМЕТРОМ МЕНЕЕ 50 ММ И Т.П., КОЛИЧЕСТВО ОКРАСОК 2	100М2	0,0810	2102376,48	170 292,4948
40	МУФТА СГОН	ШТ	10,0000	0,00	0,0000
41	УСТАНОВКА БАКОВ РАСШИРИТЕЛЬНЫХ КРУГЛЫХ И ПРЯМОУГОЛЫХ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,1 М3	БАК	1,0000	646540,68	646 540,6825
	<b>Итог:</b>				<b>5 574 820,0049</b>
<b>САН.УЗЕЛ</b>					
42	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ БЕТОННЫХ ТОЛЩИНОЙ 30 ММ	100М2	0,0300	2514301,34	75 429,0403
43	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК РАЗМЕРАМИ ДО 40Х40 СМ	100М2	0,0300	20627068,25	618 812,0476
44	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100М2	0,1400	2318722,47	324 621,1463
45	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН	100М2	0,0700	1782382,82	124 766,7976
46	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН	100М2	0,0700	1466607,54	102 662,5277
47	УСТАНОВКА УНИТАЗОВ С БАЧКОМ НЕПОСРЕДСТВЕННО ПРИСОЕДИНЕНИЕМ	10КОМПЛ.	0,1000	579781,07	57 978,1069

48	УСТАНОВКА РАКОВИН	10КОМПЛ.	0,2000	225706,23	45 141,2468
49	УСТАНОВКА СМЕСИТЕЛЕЙ	10ШТ	0,2000	1760800,45	352 160,0901
50	ПРОКЛАДКА ВНУТРЕННИХ ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫХ ИЛИ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НА СВАРКЕ НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ ДО: 20 ММ	100 М ТРУБОПРО ВОДА	0,6100	4389160,79	2 677 388,0814
51	УСТАНОВКА НАСОСОВ ЦЕНТРОБЕЖНЫХ С ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЕМ МАССОЙ АГРЕГАТА, ДО 0,1 Т	НАСОС	1,0000	425678,57	425 678,5669
52	СТОИМОСТЬ НАСОСОВ ПРЕССКОНТРОЛЬ	ШТ	1,0000	0,00	0,0000
53	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ ОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 32 ММ	100М	0,1000	883679,17	88 367,9168
54	КРАН Д20	ШТ	3,0000	0,00	0,0000
55	УСТАНОВКА НАГРЕВАТЕЛЕЙ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ВОДОВОДЯНЫХ	10КОМПЛ.	0,1000	2021860,16	202 186,0160
56	ВОДОНАГРЕВАТЕЛЬ "АРИСТОН-50Л"	ШТ	1,0000	0,00	0,0000
57	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 110 ММ	100 М ТРУБОПРО ВОДА	0,3100	7630360,86	2 365 411,8672
58	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 50 ММ	100 М ТРУБОПРО ВОДА	0,1200	1607275,00	192 872,9995
<b>Итог:</b>					<b>7 653 476,4511</b>
<b>Бажариладиган ишлар суммаси</b>					<b>173 117 216,0000</b>
<b>Прочие затраты и расходы 18,11%</b>					<b>31 351 527,0000</b>
<b>Жами:</b>					<b>204 468 743,0000</b>
<b>ҚҚС 15%</b>					<b>30 670 311,0000</b>
<b>Хаммаси ҚҚС билан</b>					<b>235 139 054,0000</b>

Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:  
“ZOIR-MANSUR”  
хусусий корхонаси раҳбари:



## **ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

1. Лойиханинг тури

### **Шартнома**

2. Лойиханинг номи

### **Пудрат шартномаси**

Иштихон туман **Тиббиёт бирлашмаси** ва “Зоир-Мансур” ХК ўртасида тузилган пудрат шартномаси (жами шартнома суммаси **235 139 054 сўм**). Ушбу шартнома Ўз.Р. “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-Конуни ва Ўз.Р.Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сон Қарорига асосан тузилган.

3. Лойиха ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

**Иштихон туман Тиббиёт бирлашмаси 23.05.2022**


Лойиха амалдаги конун ҳужжатларига мувофик ишлаб чиқилган ва уни кабул қилиш мақсадга мувофик.

**2022 йил «23» май**

**Марказ бошлиғи:**



**Ш.М.Юлдашев**



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ZOIR-MANSUR" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning tadbirkorlik subyektingiz tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ZOIR-MANSUR" XK

(Yuridik shaxsning qischartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.12.2005

388

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana oy (so'z bilan) yili)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 205899669

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Xususiy korxona

Joylashgan joyi:

Samargand viloyati, Ishtixon tumani, Ishtixon, QURUVCHI, 11,

Guvochnoma:

Samargand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



GUVOHNOMA  
Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga  
o'tkazilganligi to'g'risida